

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Шоҳсанжа

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИВ НАШРИ

№ 102 — 104 (3180—3182) 1998 йил 28 август, жума Баҳоси эркин нарҳда

ФАЗИЛАТЛИ АЙЁМ

ЮРТИМИЗНИ ФАРАХБАХШ ЭТГАН КУН

Мамлакатимизда энг табарруқ байрам — Мустақиллик куни нишонланмоқда. Улкан ўзгаришлар йўлидан, аждоқларимизнинг энг юксак гоёлари сингдирилган ёрқин келажак сари дадил бораётган халқимиз янги ҳаёт барпо этилганининг етти йиллигини катта тантана ва ифтихор туйғулари билан кутиб олаётир. Истиқлол туфайли юртимизда қўлга киритилган бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, барқарорликка эришишдек муқаддас вазифа ишониб топширилган ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ушбу фарахбахш кунга ёруғ юз билан етиб келдилар. Зеро, эришилаётган ютуқларнинг ишончли омили мустаҳкам тартибот, давлат ва унинг фуқаролари қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Республика Ички ишлар вазирли-

ги раҳбарияти, ҳайъати шахсан ўз номидан ички ишлар идоралари ва бўлинмаларининг шахсий таркиби, ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари, ўқув юртлари ўқитувчи-профессорлари ва курсантлари, корхона ва ташкилотларнинг хизматчилари, фахрийларимизни қутлуғ байрам — Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Сизларнинг барчангизга, оила аъзоларингиз ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, хизмат ва бажараётган ишингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда тотувлик ва бахтсаодат, гуллаётган Ватанимиз осмони эса доим мусаффо бўлишини тилайман.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги.

МУБОРАК!

ИСТИҚЛОЛ ШУУРИ

Мана етти йилдирки кузнинг биринчи кунини ўлкамизда қутлуғ байрам нишонланади. Бу байрам халқимизнинг кўп йиллар орзу қилган, қалб тубида армон бўлиб юрган истиқлол кунидир. Мустақиллик туфайли бугунги кунда ўзбек номи қурраи заминда баралла янграмоқда, Ўзбекистон Республикасини дунё мамлакатлари таниб, дўстлик, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилмоқда.

Ҳар гал байрам юртимизга ўзгача тароват бағишлайди. Шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли кўркамлашиб бормоқда. Уч-тўрт йил аввал зиёрат қилган киши бугунги кундаги кўринишдан ҳайратланиши шубҳасиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари фахрланишга аризуликдир. Бир-биридан кўркам бинолар кўзни қамаштиради. Буларнинг барчаси истиқлол туфайлидир.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар ҳам ўз мевасини бермоқда. Бу йил республикамизда четдан галла сотиб олишга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларда катта натижаларга эришилди. Ҳосилдорликни ошириш эвазига мўлжалдагидан анча кўп микдорда дон етиштирилиб, омборларга ғамлаб олинди. Пахтанинг сифати ошиб, ҳаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган толалар ишлаб чиқарилмоқда. Саховатли заминимизда етиштирилган мева, узум, сабзавотлар ҳаҳон бозоридан жой оляпти. Истиқлол ўзбек деҳқони меҳнатини бутун оламга танитапти.

Ҳаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган улуғ аллома боболаримиз борлигидан гурурланамиз. Яқин кунларда ислом оламида буюк муҳаддис номини олган Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда фалақийёт ва риёзиёт фанининг улуғ олими Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланади. Истиқлол боис, ўзининг илми, заковати билан бутун

оламни забт этган аллома боболаримизни янада яхшироқ билиб, уларнинг илмидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Мустақил республикамизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари дадил одимлар ташлаётганининг боиси, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидандир. Ички ишлар идораларининг ходимлари бу борада зиммаларига юкланган шарафли ва мураккаб вазифани сидқидилдан бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш ва унинг олдини олиш йўлида аниқ белгиланган режа ва тадбирлар асосида иш олиб бориляпти. Айни кунларда мамлакатимиз ички ишлар идоралари Интерпол, Минск Конвенцияси каби жаҳоннинг нуфузли ҳуқуқ ва тартиботни муҳофаза қиладиган ташкилотлари аъзоси сифатида халқаро ҳаракатларда иштирок этмоқдалар. Истиқлол йилларида милиция хизматида туб ўзгаришларга эришиляпти. Мутахассис кадрлар тайёрлаш, ички ишлар идораларини замонавий асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар билан таъминлашга эришиляпти. Осойишталик посбонлари ўз хизмат постларида хушёр ва сергак туриб, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Истиқлол тонги юртимизни тобора равшан ёритяпти. Қутлуғ байрам яқинлашаркан, дилларда қувонч, фахр ва гурур ҳисси янада жўшяпти. Улуғ байрамимиз барчамизга муборак бўлсин, азизлар!

ЮРАГИМИНИНГ ТУҒЁНИСАН — ИСТИҚЛОЛ

Ҳар тонг олам ёришганда шуълафшон нур билан,
Уйғунурман, мен ҳам дилда бир олам сурур билан,
Мустақиллик туйғусидан кўксим тоғдек юксалиб,
Юрт ишига отланурман ифтихор, гурур билан.
Сен қалбимнинг ёниб турган туғёнисан — Истиқлол,
Оллоҳимнинг бизга берган эҳсонисан — Истиқлол!

Етти йилки, Эрк нуридан гулламоқда Ватаним,
Етти йилки, Эрк қўшигин куйламоқда Ватаним.
Етти йилда овозаси етиб етти иқлимга,
Эртанги кун умидларин уйламоқда Ватаним.
Келажакнинг нурга чўмган қарвонисан — Истиқлол,
Эзгуликлар қарвонининг сарбонисан — Истиқлол!


Бу кунларни Темур бобом кўрса яйраб кетарди,
Бобуршоҳ ҳам Ҳинд юртин ташлаб ортага қайтарди,
Ё Қадирий, Усмон Носир, Чўлпон каби боболар,

Бу кунларни алқаб қанча шоҳ асарлар битарди.
Эрка ташна кўнгилларнинг дармонисан — Истиқлол,
Эзгуликлар қарвонининг сарбонисан — Истиқлол!

Минг шўқрим, аждоқларнинг армонлари ушалди,
Мард элимнинг йўлларига гул поёндоз тўшалди,
Тумарису Широқлардан мерос — Она Ватаним.
Буюк дунё ишларига ўз ҳиссасин қўшолди.
Улуғ-улуғ зафарларнинг имконисан — Истиқлол,
Ўзбегимнинг ор-номуси, иймонисан — Истиқлол!


Эркин асли эл истади, элдан кечиб бўлмагай,
Юраклардан тошган туғён, селдан кечиб бўлмагай,
Сен — бедармон юрт қалбига қуйилган соф қондирсан,
Жондан кечсак ҳамки, энди сендан кечиб бўлмагай,
Юракларнинг ёниб турган туғёнисан — Истиқлол,
Озодликнинг шовуллаган уммонисан — Истиқлол!

Зиқрилла НЕЪМАТ.



Ички ишлар идоралари ходими идорага олиб келинган, ушланган ва қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини поймол қилмаслиги зарур. Ўз навбатида, уларга тиббий, ҳуқуқий ёрдам бериши, уларнинг илтимосларига қўра ушланганликлари ҳақда иш жойларига ва яқинларига қонунда ўрнатилган тартибда хабар бериши, яшаб турган жойидаги қаровсиз қолган мол-мулкнинг бекаму кўст сақланишини таъмин этиши лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар etkazгани учун ходим Қонун олдида шахсан жавобгардир.

ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Ишчи ишлар вазирлигига Германия Федералъ криминал хизмати вице-президенти Б. Фальк, жиноят полицияси директори К. Мор ва БКА полициячилари халқаро ҳамкорлик бошқармаси раҳбарининг муовини Ю. Мессдан пйорат делегация ташриф буюрди. Делегацияга ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндзайль ва БКАнинг Тошкентдаги вакили Г. Маассенлар ҳамроҳлик қилишди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов, вазир ўринбосари, милиция генерал-майори Қ. Бурхонов ва вазирликнинг қатор бошқармалари раҳбарлари кутиб олдидилар.

Учрашув давомида Ички ишлар вазири немис ҳамкасарига юртимиз ва Марказий Осиё минтқасидаги бугунги криминал вазият ҳақида гапириб берди ҳамда улар эътиборини Ўзбекистон барқарор ҳудуд эканлигига қаратди. Меҳмонлар ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари, хусусан, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича

олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Республикадаги милиция бўлинмаларини техник жиҳозлаш, ходимларни Германияда ўқитиш ва улар малакасини ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнунлик изҳор этилди.

Ўз навбатида Германия Федералъ криминал хизмати вице-президенти Б. Фальк немис криминал хизмати тизими, шу кунларда ҳал этилаётган вазифалар ҳақида тўхталиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти яхшиланиб бораётгани, Европага Яқин Шарқ мамлакатларидан транзит усулда олиб ўтилаётган гиёҳвандлик моддалари йўлига гов солиш юзасидан биргалик-



даги саъй-ҳаракатлар янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

Ўзаро фикрлар алмашув чоғида келгуси ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгиланди. Бунда кадрлар тайёрлаш, махсус ва криминал техника билан жиҳозлаш, шунингдек, расмий ва конфедеренциал ахборотлар алмашувини такомиллаштиришга кўмаклашиш, келгусида эса биргаликда тезкор ҳаракат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Немис делегацияси аъзолари

Халқаро алоқалар

Хабарингиз борми?

ФАОЛИЯТИМИЗ КЕНГАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти ташкил қилинган кўпчиликка маълум. Шу пайтгача фаолият кўрсатиб келаётган «Постда», «На посту» газеталари қатори эндиликда «Galgon» ва «Щит» журнали ҳам чоп этила бошлади. Уларнинг илк сонларида ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп мақолалар билан бир қаторда республикада халқ осойишталиги, қонун устуворлиги, тинчлик, фаровонлик йўлида меҳнат қилаётган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг фаолиятини акс эттирувчи ажойиб лавҳалар, дунё ҳуқуқ-тартибот ходимларининг иш тажрибалари ва мустақил Ватанимиз ички ишлар хизмати билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари, коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш, Республика ИИБ «Кўриқлаш» Бошқармаси ва вилоятлар ИИБ ходимлари фаолиятларига доир турли мақолалар берилган. Бундан ташқари, сиз журналларда ҳуқуқ-тартиботга доир қизиқарли хабарлар, суд очерклари ва албатта детектив жанр намуналари, дам олиш саҳифалари билан ҳам танишасиз.

ри ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Шундан сўнг меҳмонлар республикада ички ишлар идораларининг гиёҳвандлик моддалари ноқонуний айланишига қарши кураш бўлинмаларига автомашина ва криминал техника топширди.

Шу кун делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ҳам бўлишди.

Ўз мухбиримиз.
Аҳмаджон САПАРМАТОВ
олган суратлар.

Маърифат дарси

АТОҚЛИ ГЕНЕРАЛГА БАҒИШЛАНДИ

Ички ишлар идораларида эллик беш йилдан бери хизмат қилаётган ўзбек милициясининг оқсоқоли, истеъфодаги ички хизмат генерал-майори Тожиддин Азимович Жалилов саксон ёшга қаршилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ мажлислар залида ўтказилган навбатдаги маърифат дарси ана шу фидойи инсонга бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов атоқли генералнинг ҳаёти ва хизмат фаолияти ҳақида гапирди.

Т. Жалиловнинг шогирдлари номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Қ. Бурхонов унинг республика ички ишлар идоралари учун мутахассис кадрлар тайёрлашдаги хизматларига алоҳида тўхтади. ИИБ фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов Тожиддин Азимовичнинг милиция хизмати фахрийларини бирлаштириб, жойларда жамоатчилик марказларини ташкил этишдаги ташаббуслари ва ишлари ҳақида тўққизлаб гапирди.

Шунингдек маърифат дарсида Т. Жалиловнинг дўстлари, сафдошлари ва яқинлари ҳам сўзга чиқиб, генерал тўғрисида илқ гаплар айтишди ва табаррук саксон ёши билан самимий қутлашди.

М. ХАЛИЛОВ.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ — БОШ МАСАЛА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси Исмоил Жўрабеков раислик қилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1998 йилнинг ўтган 7 ойида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳоли, автотранспорт корхоналарида ўтказилган аттестация натижалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияси томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш юзасидан ташкил этаётган тадбирлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги темир йўл кесимларининг ҳолати ва бу жойларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ва бошқа турли масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари «Ўзбекистон Республикаси йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси»ни муҳокама қилдилар ва уни маъқулладилар.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев маъруза қилди. Нотиқ Ички ишлар вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республикада автомобиль йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб, Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан автохўжаликлар, ўқув муассасалари, аҳоли яшайдиган ва иш жойларида профилактик тадбирлар ўтказиш яхшиланганлиги, қоидабузар ҳайдовчи ва пиёдаларни аниқлаш кўпайганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан жами 2483846 та қоидабузарликлар, жумладан 1139990 та қўпол қоидабузарликлар ва 49102 та транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ҳоллари ҳамда 255582 та қоидабузар пиёдалар аниқланган. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баробар кўпдир.

Бундан ташқари, ДАН ходимлари автохўжаликларга қарашли транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида Республикада 5286 та

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бунинг оқибатида 933 киши ҳалок бўлган ва 5738 киши жароҳатланган. Йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилга нисбатан камайган.

Шу билан бирга айрим вазирлик, давлат кўмиталари ва корпорацияларда ҳайдовчилар айби билан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони аввалги йилларга нисбатан кўпайган. Масалан, «Узавтойўл» концернига қарашли автохўжаликлар ҳайдовчилари томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши 200 фоизга, Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 233,3 фоизга, Мудофаа вазирлигида 137,5 фоизга, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида 150 фоизга, Давлат солиқ кўмитасида 100 фоизга ортган. Шунингдек, айрим вазирликларга қарашли автохўжаликлар ҳайдовчилари томонидан қоидабузарликларга йўл қўйиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бунга мисол қилиб, Сув хўжалиги қурилиши давлат концерни, Давлат қурилиш ишлари кўмитаси, Уй-жой коммунал хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчи-транс» концерни ҳайдовчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Агар йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу ҳодисаларнинг 73,8 фоизи бевосита ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда содир бўлаётган

жиноятларнинг аксарият қисми алкогольли ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилган ҳолда содир этилмоқда. Шу уринда ўтган 7 ой мобайнида республикада маст ҳайдовчиларнинг айби билан 294 бор йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган ва бунинг оқибатида 50 киши ҳаётдан бевақт кўз юмиб, 389 киши турли даражада жароҳат олган.

Йўлларда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ва йўл белгиларининг ҳолатига ҳам боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда ўтган давр мобайнида «Узавтотранс» корпорацияси ва бошқа бир қатор алоқадор ташкилотларнинг масъул ходимлари билан биргаликда умумий фойдаланишда бўлган барча турдаги автомобиль йўллари мавсумий кўриқдан ўтказилди.

Комиссия йиғилишида, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллик тантаналарини нишонлаш ҳамда пахта йиғим - терими мавсумида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

М. РИХСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ДАНББ катта нозири,
милиция капитани.

Келгуси йил халқимизнинг буюк эпоси — «Алпомиш» достонининг яратилганлиги кенг нишонланади. Халқимизнинг бой аъналарини ўзида мужассам этган ушбу достонни ўқиб-ўрганиш ҳар бир кишининг қалб тўридан жой олган.

Бу достонни туманимиз учун аҳамияти каттадир. Чунки достоннинг ҳозирги варианты юртдошимиз, атоқли ўз-

Маърифат дарсларида

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИГА БАҒИШЛАНДИ

бек бахши-шоири, достончилик мактабининг энг кўзга кўринган вакили Фозил Йўлдош ўғли томонидан ёзиб олинган. Шу асар тилида кўпроқ бизнинг шевамизга хос сўзлар учрайди. Яқинда туман ички ишлар бўлимида бўлиб ўт-

ган навбатдаги маърифат дарси ҳам «Алпомиш» достонига бағишланди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги А. Ражабов достоннинг яратилиши ва ундаги тимсолларнинг ўзига хослиги ҳақида фикр юритди.

Маърифат дарсида бахши-шоирнинг умр йўлдоши Суюма момонинг иштирок этиши машғулот мазмундорлигини оширди. Суюма момо ички ишлар бўлими ходимларини қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарди.

У. ҚОДИРОВ,
Булунгур тумани ИИБ
бошлигининг
ўринбосари, милиция
капитани.

Дўст дўст ҳақида

ХИЗМАТИНГИЗГА ОМАД!

Шахрисабз тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлини маси ходими, милиция старшинаси Ойбек Ашуровни мен кўпдан бери биламан. Шоиртабиатлиги, ширинсуханлиги билан суҳбатдошларининг кўнглига тез кириб борадиган феъли борлиги учун ҳам дўстлари жуда кўп.



Ойбек Шахрисабзнинг узок Мироқи қишлоғи чекка ҳудудида жойлашган «Ҳисорак» сув омборини қўриқловчи бўлинмада хизмат қилади.

Тўғриси, унинг хизматлари қандай бораётганлиги ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмасам-да, инсонийлик нуқтаи назаридан ва дўстлик ҳаққи-хурмати шу кўтлуг кўнларда уни сеvimли газетамиз орқали истиқлол байрами билан табриклашни ният қилдим.

Ишончим комилки, ички ишлар идораларида Ойбек сингари тиришқок, ўз касбини севувчи ва эъозлагувчи инсонлар жуда кўп. Мен ушбу кун дўстим О. Ашуров тимсолида ички ишларда хизмат қилаётган (ҳатто байрам кунлари ҳам эгидан форма тушмайди) барча фидойи инсонларни «Постда» газетасининг ашаддий мухлиси сифатида чин қалбдан муборакбод этаман. Истиқлолимизнинг барқарорлиги ва боқийлигини таъминлашда сизларнинг хизматларингиз беқийс эканлигини эътироф этган ҳолда бундан кейинги машаққатли ва масъулиятли, савобли ва хайрли ишларингизда омадлар ёр бўлсин.

Саид ОБЛОҚУЛОВ,
Китоб тумани, Чорва қишлоғи.

Қўшиқ — КўнгиЛ ОЗИФИ

Муסיқасиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. Ҳар йили жазони ижро этиш муассасаларида Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида аънавий кўрик-танлов утказилади. Оила йилида ҳам бу аъна давом эттирилди. Бу галги кўрик-танлов Имом ал-Бухорий, фалакиётшунос олим Аҳмад ал-Фарғоний таваллудлари ҳамда Алпомиш достони яратилганлигига бағишланди.

Театрлашган адабий-муסיқий байрам концерти дастурида санъатнинг турли сахна кўринишлари намойиш этилди. Дор-

бозларнинг дор устида ҳаракатлари, масхарабозларнинг ичакузди чиқишлари, кўпкари ва бошқа халқ ўйинлари томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Ички хизмат подполковниклари Сиддиқ Хонкелдиев, Собир Худойбердиев, Умар Сувонов, Баҳодир Усмонов раҳбарлик қилаётган жазони ижро этиш муассасаларида ўтказилган ҳар бир кўрик-танлов мавзуси ранг-баранглиги билан кишини ўзига тартади. Хор, акапелла асарлари хор жамоаси томонидан ижро этилди. Мақом, катта ашула, рақс ва

замонавий кўшиқлар гулдастасида Ватан сурури, инсон комиллиги, миллат қадрияти, фаровон ҳаёт гузалликлари улугланади.

Кўрик-танловларнинг бирида иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият арбоби Жуманиёз Жабборовлар улар санъатига муносиб баҳо беришди ва ҳар қандай жиноят замирида ўзгалар қадр-қимматини топташ, инсон шаънини таҳқирлашдек ёвузлик аломатлари мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлашди. Атоқли шоирларимиз диёри-

миз истиқлолини шарафловчи шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Шунингдек, республика Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Абдусамат Ҳасанов, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Раимжон Комилжонов, фалсафа фанлари доктори Абдураим Эркаев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Содиқ Исломовлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

Журналистлар билан мулоқот

Бугунги кунда мустақил юртимизда меҳнат муносабатлари, аҳолини иш билан таъминлаш ва улар меҳнатини муҳофаза қилиш қай даражада? Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида шу каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири Оқилжон Обидов ва

вазирлик бошқарма бошлиғи Ботир Алимҳамедовлар иштирок этишди. О. Обидов оммавий ахборот воситалари ходимларига вазирлик томонидан олиб борилаётган ишлар, шунингдек, мавжуд муаммолар хусусида гапириб берди ва журналистларнинг қатор саволларига жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз.

МУКОФОТГА «Тисо»

Хушхабар

Милиция участка вакиллари ижтимоий муҳофаза қилиш, зарур иш шароитлари яратиб бериш ҳамда моддий рағбатлантириш мақсадида Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Шу йилнинг май ойида ҳокимлик вилоят ИИБ таклифига биноан милиция участка вакиллари «ижтимоий ҳимоя қилиш фонди»ни ташкил этиш ва ярим йил ва йил якунларига кўра энг яхши кўрсаткичга эришган участка вакиллари хизматда фойдаланиш учун «Тисо» автомашинаси бериб бо-

риш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан 1998 йилнинг 6 ойи давомида вилоятдаги 196 нафар участка вакиллари иш фаолияти ва қишлоқ ҳўжалигидаги иштироки таҳлил этилди. Ярим йил якунлари бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган Янгиариқ тумани ИИБ участка катта ва-

кили, милиция капитани Рашид Қурбонов фахрли биринчи ўринни эгаллади ва хизматда фойдаланиш учун «Тисо» автомашинаси билан мукофотланди.

Бундан ташқари 3—5 август кунлари милиция участка вакиллари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаган Хива шаҳар тумани ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти Тоҳир Ҳўжаев, Хонқа тумани ИИБ участка вакили, милиция капитани Мўмин Каримов, Урганч шаҳар ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти Иззат Рўзметовлар ҳам вилоят ИИБ томонидан пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Х. ЖАББОРОВ.

СУРАТДА: Янгиариқ туман ИИБ участка катта вакили, милиция капитани Рашид Қурбонов.

Жумабой КОЗОҚОВ
олган сурат.



ШОДИЁНАЛАР, ҚУВОНЧЛАР

Уртакчилик туманининг истеъфодаги ички хизмат полковниги Шермат Собиров бошчилик қилаётган Дегантепа маҳалласида Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган шодиёна бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга йиғилганлар турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида байрам дастурини томоша қилишди. Табрик сўзлари, маълум шартлар бўйича савол-жавоблар, шунингдек Истиқлол, Ватан, дўстлик ва муҳаббат тараннум этилган куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар даврага ажиб кайфият бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 2-босқич бошлиғи Мамед Жумаевнинг хонадонига ўғил-қизлар ва ёру биродарлар тулланди. Яқинлар Мамед ака ва умр йўлдошининг бирга турмуш қуришганига 30 йил тулгани билан қутлашди. Утган вақт ичида бу оилада юзага келган ажойиб аъналар, тотувлик ва ҳамжиҳатликдан ҳар қанча ўрناق олса арзийди.

Мустақиллик байрами арафасида Тошкент туманидаги Чувалачи қишлоғида истиқомат қилувчи Матлуба ая ва Эркин ака Алимовлар оиласига қувонч кирди. Уларнинг фарзанди Элмурод Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг 1-босқич талабаси бўлди. Хонадон аъзолари ўғил эришган бундай ютукдан мамнун.

Ўз мухбиримиз.

Соат 16.00 ларда Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари шу туманнинг 24-мавзесида истиқомат қилувчи Маҳфуза исмли жувоннинг 5 хил заргарлик буюмларини ўғирлаган кимсани ушлашди. Эндигина йигирмага кирган бу йигит пойтахтга Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган экан.

«Кўйлик» бозори ёнида эрталабки иссиқдан лоҳас бўлиб турганларни аёл кишининг қичқирғи сергаклантирди. Кимдир унинг сумкасини олиб қочганди. Шу атрофда бўлган милиция ходимларининг сергаклиги туфайли 10 минг сўм пулни ўмарган талончи ушланди.

Тушлик пайтида «Навойазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳайдовчи бўлиб ишловчи, илгари судланган Шойим исмли йигит бирлаш-

«ҚўРИҚЛАШ» БИРЛАШМАСИ МАТБУОТ ГУРУҲИ ХАБАР ҚИПАДИ

мадан умумий нархи 36 минг сўм бўлган мис симларни ўғирламоқчи бўлди. Бироқ милиция лейтенанти Н. Туробовнинг ҳушёрлиги туфайли қўлга олинди.

Янгиер шаҳар Баҳор кўчасида жойлашган хусусий дўконга кечаси номаълум шахслар кириб, кўп нарсаларни ўғирлаб кетишганди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида мазкур жиноятни икки нафар мактаб ўқувчиси содир этгани аниқланди ва улардан далилий ашёлар олинди.

Бундан бир йил муқаддам Бухоро вилояти Газли шаҳрида яшовчи жувоннинг уйдан 8 минг сўм ва 1300 АҚШ доллари ўғирлаб кетилган эди. Мазкур жиноят ишини очиш бўйича гуруҳ тузилиб унга қўриқлаш бўлими ходими ҳам жалб қилинганди. Олиб борилган тезкор ишлар натижасида ушбу ўғирликни содир этган шахс ушланди. У жабрланувчи билан бир кўчада яшаган экан.

Кечаси соат 00.30 ларда Навой шаҳридаги 3-сонли қурилиш лицейида тракторчи бўлиб ишловчи Ботир О. шу лицей қоровули Толиб Т. ва лицей устаси Эркин С.лар билан ўзаро тил бириктириб, 30 минг сўмлик қурилиш материалларини ўғирлаб кетаётганда қўриқлаш бўлими ходими томонидан қўлга олинди ва навбатчилик қисмига топширилди.

БУРЧИМИЗГА СОДИҚМИЗ

Куз ойи яқинлашмоқда. Деҳқон баҳор, ёз ойларида етиштирган ҳосилини йиғиб-териш таррадуида. Пахтачилик хўжаликларидида терим мавсумига қандай тайёргарлик кўрилса, пахта қабул қилиш ва қайта ишлаш пунктларида ҳам жорий йил пахта ҳосилини қабул қилиб олишга шундай жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда кейинги икки ой мобайнида бу корхоналардаги ёнгина қарши ҳолат тўлиқ текширилиб, ундаги камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тайёрланиб, корхона раҳбарларига берилди. Бу тадбирларнинг бажарилиши юзасидан бир неча марта қайта текширувлар ўтказилди. Айниқса, Гиждувон, Бу-

хоро, Пешку, Қорақўл пахта тайёрлаш ҳиссадорлик жамиятларида Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ва вилоят «Пахтасаноатсотиш» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли сув ҳовузлари, ўт ўчириш машиналарини таъмирлаш, электр кабелларини синовдан ўтказиш ва ёнгина қарши воситаларни тахтлаш ишлари муддатидан олдин тугатилди. Эндиликда бу корхоналарда жойлардаги ёнгина қарши курашиш жамиятлари билан биргаликда янги ўт ўчирувчи воситалар сотиб олиш, мавжудларини тоза кимёвий суюқликлар билан тўлдириш, омборхоналардаги ёғоч қурилмалар ва пахта ташишда ишлатиладиган матоларга ёнгиндан сақлов учун ишлов бериш бўйича шартномалар тузи-

либ, шу аснода иш олиб борилмоқда.

«Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси корхоналар учун минг метрга яқин ўт ўчириш шланглари, ўт ўчириш гуруҳлари учун 125 та махсус кийим-бош ажратди. Пахта ҳосилини ёнгиндан асраш мавзусида жавобгар ходимлар иштирокида бир кунлик семинар-йиғилишлар ўтказилди, корхоналар кўнгилли ўт ўчириш амалиёти бўйича мусобақаси ташкил этилди. Бу мусобақада Пешку, Бухоро, Гиждувон пахта тозалаш корхоналарининг гуруҳлари фаол қатнашди. Бундан ташқари, тўрт турда 5000 нусхада эслатма варақалари чоп этирилди.

Лекин бу тадбирларнинг моҳиятини чуқур англамайдиган ёки унга эътиборсиз муносабатда бў-

Мавсумга шаймисиз?

лаётганлар ҳам бор. Масалан, Когон туманидаги «Олтин тола» пахта тайёрлаш ҳиссадорлик жамияти (раиси Б. Ҳожиёв)нинг омборхоналари ёнгиндан дарак берувчи автоматик мослама билан жиҳозланмаган, электр ўтказгичлар қопламаси синовдан ўтказилмаган, ёнгина қарши махсус воситалар тайёрланмаган.

Ромитан пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ҳам (раиси Р. Туробов) бинолар атрофидаги сув кранлари таъмирланмаган, маъмурий бино ва цехларга ёнгиндан дарак берувчи автоматик мосламалар ўрнатилмаган. Ер остидан сув олишга мўлжалланган иккинчи насос бузилиб ётибди. Шофиркон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида (раиси А. Ҳақимов) корхонадаги ёқилги-мой омбори атрофи ураб олинмаган. Омборхоналардаги автоматик мосламалар таъмирланмаган, пахта қабул қилиш жойларидаги чироқлар

етарли эмас.

Текширишлар давомида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўз вақтида бажармаганликлари учун 52 нафар жавобгар шахсга 38200 сўм миқдорида жарима солинди. Ёнгин хавфи бўлган 23 та жойнинг иш фаолияти қарор орқали вақтинча тўхтатилди.

Вилоят Ёнгиндан сақлаш бошқармаси томонидан пахта тозалаш муассасаларида ёнгин чиқишининг олдини олиш ва шу йўлда амалга оширилаётган тадбирларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олиб, уларнинг бажарилишида зарур амалий ёрдам кўрсатиш бизнинг бурчимиз ва биз бу бурчга доимо содиқмиз.

Б. НУРИЛЛОЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ
ЁСБ бошлиғи, ИЧК
хизмат полковниги.

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ

Яқинда Бухородаги «Сомонийлар» истироҳат боғида ажойиб тантана бўлиб ўтди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ўқув марказининг навбатдаги битирувчилари хизмат бурчига содиқлик ҳақида қасамёд қилдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Абдулло Аҳмедов битирувчиларни табриклар, келгусида устозлар ишини давом эттириб, халқ осойишталиги, ҳуқуқ-тартибот, қонун устуворлиги йўлида астойдил меҳнат қилишларига оқ йўл тилади.

Маросимда уруш қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори Мирзо Очилов битирувчиларни табриклар билан бирга улар олдида турган хизмат масъулияти ва бурчлари ҳақида гапирди. Шунингдек, ота-оналар ҳам фарзандларини табриклар, машаққатли ва шарафли хизматларини фақат мардлик ва ҳалоллик билан адо этишларига ишонч билдирди.

**Ўринбой
ГОФУРОВ,**
милиция
подполковниги.

Избоскан тумани, Бобур кўчасида жойлашган Пойтуғ нефть маҳсулоти корхонаси ҳудудидаги ёнлиги тарқатиш эстакадасида солярка куйиш пайтида, Балиқчи тумани М. Улуғбек жамоа хўжалиги қарашли бензин ташувчи ГАЗ-52 русумли автомашина ҳайдовчиси А. Қодиров сизим қопқоғини қаттиқ ёпганидан учқун чиқиб ёнгин содир бўлган. Натижада ҳайдовчининг юзи, қули, оёқлари ва бадани куйиб шифохонага ётқизилган. Машинанинг эса кабина ва мотор қисми ёниб кетган.

Урганч тумани, Ж.

«01» ХАБАРЛАРИ

Мангубердӣ номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи А. Сотиловнинг хонадонидида электр симларининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнгиндан уйнинг том қисми ёниб, катта миқдорда зарар етган.

Самарқанд тумани Меҳнатобод шаҳарчасида яшовчи М. Хушвақтов ошхонадаги газ плитадан чиққан газнинг алангаланшидан юзи, кўкраги ва қули куйган. Оғир аҳволда қолган бемор шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Шаҳрихон тумани

Полосон қишлоғида яшовчи С. Урамов хонадонидида электр симларининг қисқа туташуvidан уйнинг томи, шифти ва баъзи уй жиҳозлари ёниб кетган.

Нуробод тумани, Чорвадор жамоа хўжалигида жойлашган ёнлиги куйиш шохобчасида бензин ташувчи машинада ёнгин содир бўлиб, 1,5 тонна бензин ва автомашина ёниб кетган. Бензин куйишда машинанинг ерга уланмаганлиги ва бунда вужудга келган статик электр токи ёнгин чиқишига сабабчи бўлган. Ҳайдовчи А. Ибра-

гимов эса ёнгини учирришга ҳаракат қилиб, бутун танаси кучли куяди. Бироқ, шифокорларнинг қилган саъй-ҳаракатлари, муолажалари наф бермади...

Ўрта Чирчиқ тумани, Қайтмас жамоа хўжалиги Садбоев кўчаси 16-уйда яшовчи Р. Сариев хонадонидида содир бўлган ёнгинда молхона томи ва 10 тонна дағал хашак ёниб кетган.

Қўшрабод тумани марказида яшовчи А. Бойхонов хонадонидида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида содир бўлган ёнгиндан хонадон бостирмаси ва 6 тонна сомони ёниб, 100 000 сўмлик зарар етган.

Тандирга ўт ёқишда эҳтиётсизлик туфайли Нуробод тумани Нурбулоқ кўрағони Ўқитувчилар кўчаси 10-уйда яшовчи Н. Қўлбоева куйиш тан жароҳати олган ҳамда шифохонага ётқизилган.

Урганч тумани Гулистон жамоа хўжалиги 8 бригадасида истиқомат қилувчи О. Ражабов хонадонидида содир бўлган ёнгинда эса молхонанинг томи ёниб, 2 та қорамоли ҳам нобуд бўлган.

Р. АСЛОНОВ,
Ички хизмат
лейтенанти.

СОХТА МАЪЛУМОТ БЕРГАНИ УЧУН

Арлингтонда яшовчи бир аёл Исроил телевидениесининг иккинчи дастури орқали об-ҳаво маълумотини нотўғри бергани учун суҳандондан суд орқали 1000 АҚШ доллари талаб қилди. Гап шундаки, у суҳандоннинг сўзларига ишониб, кўчага юпун кийиниб чиқди. Бироздан сўнг шаррос куйиб юборган ёмғир остидан қолган аёл шамоллаб қолиб, дори-дармон учун 38 АҚШ доллари сарфлашга мажбур бўлган эди.

МАҲБУСЛАР ЯНА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Рутланд қамоқхонасидан икки маҳбус қочиб муваффақ бўлди. Аммо уларни ушлаб келтириш полициячилар учун унча қийинчилик туғдирмади. Бунинг сабаби, маҳбуслар камерада қамоқдан қочгач, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва бориладиган жойларнинг рўйхатини қолдириб кетишган эди. Улар яна ҳибсга олинди.

ВАГОН ТОМИГА «КҮНДИ»

Портленд шаҳрида кўприк тўсигини синдириб юборган автомобиль мувозанатини йўқотиб, йўловчилар ташийдиган поезд вагонининг томига «кўнди». Полиция ҳайдовчини «ҳаракатланиш қисмидаги белгига эътибор бермай, қатордан чиқиб кетган»ликда айблаб, унга жарима солди.

УЙ БЕКАСИННИНГ АСАБИ БУЗИЛДИ

Америка Қўшма Штатлари Олий суди Жа-



нубий Каролина электргаз корпорацияси устидан гуручли таомга энг яхши таомнома тайёрлаш бўйича ўтказилган танлов қатнашчиси даъвосини қондиришни рад этди. Корпорация танловга тақдим этилган барча таомномаларни газетада эълон қилганини кўрган уй бекасининг асаби дош беролмай, руҳшунос шифокор олдига чопиб кетди...

ЎЗИГА ХОС УСУЛНИ ТАНЛАДИ

Род-Айленддаги ўта қатъий тартибдаги қамоқхонадан қотиллик содир этиб, жазо муддатини ўтаётган кимса қочмоқчи бўлди. Бунинг учун у ўзига хос усулни танлади, яъни, ахлат ташийдиган машина ичига беркиниб олди. Лекин бункердан чиқиб кетолмади ва ахлат билан бирга пресслайдиган ускуна остига тушиб қолди. Бахтли ўлароқ, қочоқ тирик қолди ва қамоқ муддатини ўташ учун ўз жойига қайтарилди. Аммо ахлатга ишлов бераётган фирма ва қамоқхона ўртасида тузилган шартнома бекор қилинди. Чунки шу пайтгача фирма аъзолари пресс остига тушиб қолган одам тирик қолиши мумкин эмас, деб енгиб келишарди.

БОЛГА ЗАРБИГА ЧИДАШ ҚИЙИН

Краинт-Поинт шаҳарчаси полицияси 32 марта бошига болга билан уриб ўлдирилган фуқаронинг жиноий ишини қайта кўриб чиқишга қарор қилди. Бундан олдин суд мутахассисларнинг киши кўпи билан 20-25 марта бошига болга билан урганда хушидан кетади, дейишларига қарамай, у ўз жонига суиқасд қилган, деган хулосага келган эди.

КАССИР ЎРНИДА ТАЛОНЧИ

Канзасда талончи дўконга бостириб кийиб, кассирдан шу куни тушган тушумни беришни талаб қилди, Афсуски, пул у тасаввур қилгандан анча кам эди. Шунда кассирнинг қўл-оёқларини боғлаб кийиб уч соат давомида, яъни полициячилар келгунга қадар унинг ўрнида ишлаб турди...

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Эронда немис тадбиркори Гельмут Хоферга берилган ўлим жазоси бекор қилиниши мумкин. Гамбурглик 56 ёшли бу тижоратчи бева мусулмон аёли билан жинсий алоқада бўлганликда айбланди. Аммо ГФР ҳукумати-нинг қатъий аралашуви билан суд мазкур жиноий ишни Техронда қайта кўриб чиқадиган бўлди. Негаки, Хофер бундан бир неча йил илгари турк аёлига уйланганда Ислондинини қабул қилганини айтди. Агар у айтганларини исботлай олса, «ахлоқсизлиги учун» кўпчилик ўртасида таёқ билан 99 марта калтакланиб, яна озодликка чиқариб юборилади.

ДУШАНБА, 31

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Тахлилнома».
8.40 «Оҳангга тўлсин диёр».
Муסיқий композиция.
9.10 «Болалар жаннат райхонлари».
9.15 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин».
9.30 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатуви.
9.55 Мустиқиллик одимлари.
10.00 «Диёр». Тележурнал.
10.30 «Истиқлолим, сени кўлайман». Муסיқий дастур.
10.50 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
11.05 «Даҳолар топинган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
11.25 «Ғазалон ёшлигим».
11.50 «Даҳолар топинган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
12.10 «Жавҳар». Публицистик курсатуви.
12.25 «Саҳна ҳаёти».
12.55 Мустиқиллик одимлари.
13.00 «Мардлар қўриқлайди Ватанни».
13.25 «Зилот-98». Фольклор-этнографик ансамблларининг телевизион фестивали.
13.40 «Аския».
14.00, 18.00 — Янгиликлар.
14.10 «Шерюрак». Бадий фильм.
16.55 «Ортим мўжизалари». Публицистик курсатуви.
17.15 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, хангома.
17.40 «Сурат ва сийрат».
18.10 «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
18.20 «Озодлик». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аҳборот» (рус тилида).
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантанадан репортаж.
21.30 «Аҳборот».
22.10 «Хамма қўриши шарт... эмас». Муסיқий-дам олиш дастури.
23.00 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантанадан репортаж (ёзиб олинган).
01.00 «Юлдузингни бер, осмон». Бадий фильм.

ЎзТВ-II

18.45 «Шукрона».
18.50 «Тақдирлар».
19.10 Нафосат гулшани.

19.30 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантанадан репортаж.
21.30 Қўлов.
21.35 «Жаҳон». Махсус байрам сони.
22.10 «Чинор» видеоканали. «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
23.10 «Шу кўннинг мавзуси».
23.25 Бадий фильм.

ЎзТВ-III

Соат 6.30 дан ЎзТВ-I узлуксиз теледастури

ЎзТВ-IV

17.05 Янгиликлар.
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.50 «Роксолана — султон асираси». Телесериал.
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 7 йиллигига бағишланган тантанадан репортаж.
21.30 Истиқлолингиз муборак!
21.45 Мустиқиллик тўхфаси: «Диллар дилга туташгай».
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустиқиллигининг 7 йиллигига «Ҳамкорликдаги муштараклик». «Ўзбекистон — Малайзия».
22.35 Клип-антракт.
22.45 «Время».
23.30 Экранда — кинокомедия. «Водиллик келин».
00.55 «Аҳборот» (рус тилида).
01.15 Киносенас.
02.45 «Вести».

30-КАНАЛ

8.00 Курсатувлар дастури.
8.05 «Кинононустла».
9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.45 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
9.25 Болалар канали.
11.20 Тонгги киносенас.
13.00 Шоу-соати.
14.10 «Ун олти ёшлиқлар». Ёшлар сериали (Франция).
14.35 «Манстролар оиласи». Сериал.
15.00 Киноэтрактлар.
16.30 «Даракчи». Муסיқий дам олиш дастури.
17.00 «Мих». Дам олиш дастури.
17.30 «Муסיқий дам олиш дастури».
18.20 «Моделлар академияси». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Оқшомги латифа». Ҳажвий курсатуви.
19.00 «Симпсонлар». Мультсериал (АҚШ).
19.30 «Махфий ҳужжатлар». Сериал (АҚШ).
20.15 «Жаҳон ринги юлдузлари 30 да».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.25 «Мунажжимлар башорати».

21.30 «XX аср FOX» таништиради.
23.15 Ҳафта фильми.
00.45 «МЭШ госпиталидаги бошогрик хизмат» Ҳажвий сериал (АҚШ).

Коз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб суйла».
15.50 «Хит-парад».
16.00 Қосим Кайсенон — 80 ёшда.
16.25 «Гутен абенд!». Немис тахририяти курсатуви.
16.50 «Омонат».
16.55 «Ютук» салони.
17.00 «Сокин сувар». Сериал.
18.00 «Бола тилидан».
18.35 «Юртдошлар».
19.00 «Даллас». Сериал.
20.00 «Оқшом». Аҳборот курсатуви.
20.40 Спорт янгиликлари.
21.00 Бадий фильм.
23.25 «Ютук» салони.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.30 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
8.55 «Мўжизалар майдони».
9.55 Футбол шарҳи.
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 18.30 — «Куйини топинг».
11.30 «Биргаликда» дастури.
12.00 «Олтин серия». Алексей Баталов «Румянцевлар иши» фильмида.
14.20 Мультсериал.
14.45 «Марафон-15».
15.05 «Юлдузли онлар».
15.40 «Орзуларимиз оғушида». Сериал.
16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саяҳат».
18.05 «Тигиз пайт».
19.00 Душанба кўни Познер билан «Биз» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Тоғлик». Саргузашт сериал.
21.50 «Кумушранг шар». Ингрид Бергман.
22.35 Кино чизиги. Хэмфри Богарт «Мальта лочини» детективда.

РДТ

6.00, 7.35, 19.15 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйгон!».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 — «Вести».
7.00, 22.45 — «Набатчи қисм».
7.15 «Товарлар — почта орқали».
7.20 «Ен дафтарингизга».
7.30 «Православ тақвими».
8.15 «Эски квартира. 1960 йил». 1-қисм.

9.10 «Санта-Барбара».
10.30 «Кўп жумбоқли киноят». Детектив телесериал. 1-серия.
11.35 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
12.30 «Кузюга кўнгирок қилинг!».
Болалар интерактив уйини.
13.35 Леонид Куравлев Василий Шукшиннинг «Шундай йигит яшайди» кинокомедиясида.
15.30 «Минора». Ёшлар аҳборот-дам олиш дастури.
17.00 «Бир боқишда муҳаббат».
17.35 От спорти. Санкт-Петербургдан олиб курсатилади.
18.25 Ток-сериал.
19.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.05 Кино даври. Томи Коллет ва Доминик Вест Дэвид Паркернинг «Диана ва мен» комедиясида (АҚШ-Австралия).
21.45 «Дживс ва Вустер». Телесериал (Буюк Британия).
23.30 «Тафсилотлар».
23.45 «Автошоу».

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00 — «Бугун эрталаб».
7.10, 8.10, 9.10 — Спорт.
7.15, 9.45, 19.40 — «Криминал».
7.45, 9.20 — «Нафи тегади».
8.25, 16.00, 00.40 — «Сегоднячко».
8.40, 12.20 Мультфильмлар.
9.35 «Катта пуллар».
9.50 Шоу бизнес янгиликлари.
10.10, 23.40 — «Детектив Наш Бриджес» (АҚШ).
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Бугун».
11.15 Владимир Самойлов, Кирилл Лавров, Михаил Евремов ва Марина Зудиналар «Дубровский» фильмида. 1-серия.
12.30 «НТВ — янги мавсум».
13.20 «Эски телевизор» эслаиди: «Мушкетерлар орадан йигирма йил утгач». 1-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 193-серия.
17.15 «Сезам кўчаси».
17.45 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Гераклининг гаройиб саргузаштлари». 10-серия (АҚШ).
18.35 «Диана. Маликанинг ҳаёти ва улими».
20.25 Экранда — 25 йил. «Баҳорнинг ун етти лаҳзаси». 10 ва 11-сериялар.
7.20 «Бугун ярим тунда».
01.40 «Футбол клуби».

ТВ-6

8.05, 11.35, 15.10 — «Севсанг — қара».

Видеоклиплар.
8.15, 9.55, 17.35 — Мультфильмлар.
8.45, 18.00, 01.00 — «Диск-канал».
9.10, 18.35, 00.50 — «Йул назорати».
9.30, 12.30, 15.30, 18.30, 00.40 — «ТСН-6».
9.40, 12.50, 01.50 — «Сифат белгиси».
10.35 Тонгги сериал. «Қанотлар». 27-серия.
11.00, 19.45 — «Набатчи дорихона III». Ҳажвий сариал. 26, 27-сериялар.
11.50 «Ҳафта спорти».
13.00 «ОСП-студия».
13.45 Иван Демидовнинг «Карвон» шоуи.
14.45, 17.15 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
15.40 «ТВ-6» кинотеатри. «Оқ либослар». 6-серия.
18.50 «Кимки...» Сергей Маковецкий.
19.15 «Дэвис яшашни ўргатади». Ҳажвий сериал. 21-серия.
20.30 «Муסיқа ва матбуот» ток-шоуи: «Қалам наҳанглири». Анатолий Крупнов.
21.30 «Шу кўннинг янгиликлари».
21.55 Ҳужжатли сериал.
22.50 «Бриско Каунти. Ёввойи Гарбадаги саргузаштлар». Сериал. 17-серия.
23.50 «Душанба кун театри».

АСТ

10.00, 16.00 Мультфильмлар.
10.30, 16.30, 22.30 «Факт» аҳборот дастури.
10.40 «Хонимча» телесериали, 69-қисм.
11.40 Москвада МДХ давлатлари давлатлараро телефорум танлови дастурлари.
12.20, 13.30, 19.30, 23.05 Ҳаммабоп иқтисодиёт.
12.30, 18.30 Хотин-қизлар сизлар учун.
12.55, 18.55, 0.55 «XX асрдан XXI асрга».
13.00, 19.00 Янги ўқув йили олдидан.
13.40 «Инспектор Алленнинг сирлари» телесериали, 4-қисм.
14.40, 22.40 Спорт ҳар кўни.
15.10, 21.10 «Салехард - 98» фильмлар фестивали.
16.40 «Угрюм-дарё» бадий фильм 1-қисм.
18.00, 23.15 «Жониворлар ҳақида очерклар». Илимий-оммабоп сериал.
19.40 «Бош гумондор» 3-қисм.

20.40 Кўп йиллар аввал ... шу кўни.
22.00 «Олов гилдираги» телесериали, 76-қисм.
23.45 «Классика. Сайланма» Муסיқали дастур.
00.00 «Сохта она» телесериали, 107-қисм.

RENTV

17.10, 0.25 RENT TV янгиликлари.
17.15 «Севгим менинг, қайғум менинг» телесериали.
18.15 «Шаддодлар ва гўзаллар» телесериали.
19.15 «Элен ва болалар» телесериали.
19.55 «Қора марварид» телесериали.
20.55 «Оқ тўти» клуби.
22.30 «Янги келганлар» бадий фильм.
0.35 Спорткурьер.
0.50 Тунги муסיқий канал.

ТВ МАРКАС

6.50, 8.15 «Навигатор». Аҳборот-кўнгилчар дастури.
9.45, 18.45 «Клубничка». Телесериали.
10.15 Ён дафтарча.
10.20, 12.45, 15.45, 2.15 Тижорат калейдоскопи.
10.30 «Маримар» телесериали.
10.55, 12.55, 14.55, 15.55, 16.55, 17.55, 18.30, 21.55, 22.55, 1.40 Янгиликлар.
11.25 Мультфильм.
11.35, 19.15 Ишбилармон Москва.
11.45 Бизнинг кўрфазга кемалар келди.
12.10 Талабга кўра бекат.
12.40 Комильфо.
13.30 «Қишлов муаллимаси» бадий фильм.
15.00 Москва ярмаркаси.
15.10, 2.00 Петровка, 38.
15.25 Усавер, кичкинтой.
15.40 «Элита» аёллар клуби.
16.00 «Менга сенсиз ҳаёт йўқ» телесериали.
17.30 «Ҳар доим» сериали.
18.40 Муваффақиятга қандай эришиш керак.
20.50 «Федерал полицияси» бадий фильм.
22.50 Киноанонс.
23.15 Ҳақиқатда.
23.30 «Толк-клуб» кўнгилчар дастур.
0.30 Времечко.
1.50 Пресс-экспресс.

СЭШАНБА, 1

ЎзТВ-I

МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИНГИЗ КЎТЛУҒ БУЛСИН, МУҲТАРАМ ТЕЛЕТОМОШАБИЛЛАР!
6.25 дан узлуксиз теледастури.
Мана, етти йилдирки, Ўзбекистон узра Истиқлол кўшиқлари баралла янграмоқда. Етти йилдирки, Ватанимиз ўзининг хурлиги, нурли истиқболи сари одимлапти. Етти йил — бу кўна тарих олдида лаҳзага тенг. Лекин бугун биз, мана шу давр ичида, ўз истиқлоли сари юз бурган Ўзбекистонимиздаги оламшумул ўзгаришларни кўриб, ҳис этиб турибмиз. Шу кўни Ўзбекистон телевидениеси узлуксиз теледастурини намойиш этади. Теледастури «Ассалом, Ўзбекистон!» курсатуви билан бошланади. Ёш телеомошабинларимиз «Чамандаги гулраминиз», «Озод элнинг ўғлиман», «Олтин тож» каби курсатувларни мириқиб томоша қиладилар. «Озодлик ҳақидаги ўйлар», «Ватанни севмоқ иймондан дид», «Менга сўз беринг», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» каби публицистик курсатувлар билан танишасиз. «Озодлик» видеофильмининг 7-қисми, Зиё Нажмийнинг «Занжирбанд шер» спектакли намойиш этилади. Айниқса, томошабинларимизни байрам муносабати билан тайёрланган махсус муסיқий курсатувлар, телеиниаторлар театрининг янги сони томошабинларимизни хушнуд этади. Юлдуз Усмонова ва бошқа таниқли санъаткорлар байрам кўнлари сизнинг хизматингизда буладилар. «Оталар чойхонаси», «Аския», «Мумтоз наволар», «Санъат дўстлиқка чорлайди» ва бошқа курсатувлар ҳам байрам оқшомида ўз муҳлисларини телеэкран қаршисига чорлайди. Хуллас, 1 сентябрь кўни азиз телеомошабинларни қизиқарли курсатувлар, байрам дастурлари кутмоқда.

ЎзТВ-II

9.05, 10.30, 12.05, 15.15, 18.55 — Қўловлар.
9.10 «Катта танафус».
9.35 «Очун».
17.20 От спорти бўйича халқаро турнир.
18.25 А. Бовин дастури.
18.50 Булут-9
19.30 «Плюшихедаги уч терак». Бадийий фильм.
21.00 Еттинчи кун.
21.50 Киноанонс.
22.00 «Резидентнинг қайтиши». 1 ва 2-қисмлар.
0.35 Концерт дастури.
2.10 «Тигда». Телесериал.

Табриклаймиз!



Собир Раҳимов тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Бахтиёр Ҳақимович ҲАКИМОВНИ таваллуд кунининг 50 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий саодатмандлик ва осойишталик йўлидаги шарафли хизматларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Энг эзгу ва самимий ниятлар билан туман ИИБ шахсий таркиби, оила аъзолари ва ҳамкасб дўстлари.

* * *

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Акмал Иқромов тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Озод Хусанович ОРИФБОЕВНИ кутлуг 50 ёши билан табриклайдилар. У кишига узоқ умр, саломатлик, оилавий саодат ва хайрли ишларида ривож тилаб қоламиз.



* * *

Азиз адажонимиз Бегали Султонович ЭШБОЕВНИ таваллуд кунлари билан самимий табриклаймиз! Бахтимизга олтин бошингиз омон бўлсин, эл-юрт хизматидаги савобли ишларингизда бизнинг тилаклари-миз ҳамisha ойдинлик олиб келсин.

Рафиқангиз Соҳиббахон, фарзандларингиз Бекзодрон, Бехрузжон.

Эзгу тилакларга қўшилган ҳолда дўстларингиз Шокир, Убайдулло.

* * *

Азиз адажонимиз — Тошкент шаҳар ИИББ ШТБХ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Абдунаби Абдуллаевич ҚОБУЛОВНИ 40 ёшлари билан ва ўғлимиз Бахтиёржонни мучал тўйи билан кизгин кутлаб қоламиз. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг.



Хурмат билан оила аъзоларингиз.

* * *

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ДАНБ ходими, милиция майори Абдумажит ҚУВОНДИҚОВНИ таваллуд кунлари билан чин юракдан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида ривож тилаймиз.

Оила аъзолари номидан ўгли Баҳодиржон.

* * *

Меҳрибон дадажонимиз Қадамжон ЙЎЛДОШЕВ! Кутлуг 50 ёшга тўлгани билан муборакбод этамиз. Хонадонимиз файзи, оиламиз устун, ҳаммамизнинг гамхўримиз бўлиб узоқ умр кечиршингизни тилаймиз. Сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол, омад ҳамроҳингиз бўлсин. Фарзандларингиз ва навараларингизнинг порлоқ толеини кўриш бахти сизга насиб этсин.

Рафиқангиз ва фарзандларингиз.



«БАЁТ» ўқув маркази сизларни замонавий либосларни бичиш-тикиш, ҳар хил тортларни тайёрлаш, бошловчилар учун инглиз тили ўқишларига таклиф этади:

3 ойлик курсларга:
Бичиш-тикиш. 1 ойга 800 сўм.
Инглиз тили. 1 ойга 1000 сўм.
2 ойлик курсларга:
Ҳар хил тортлар тайёрлаш. 1 ойга 800 сўм.
Ўқишни битиргандан сўнг диплом берилади.
Манзилимиз: «Баёт» маданият уйи.
Метронинг «Тинчлик» бекати ёнида жойлашган.
Тел.: 42-23-70.

Тўйларга «цветомузыка» билан қатнашамиз.
Тел.: 42-23-70.



Muqaddas dargoh

12

1998 yil – Oila yili

Namunali oila: u qanday bo'lishi kerak?

MEHRINGIZNI DARIG' TUTMANG!

Туроб Қоржовов, милиция майори:

Бир киши донишмандга бориб, фарзандларимни сиз айтган тарзда тарбияладим, негадир кўнглим тўлмаяпти, улар назаримда оқибатсизроқ бўлиб бораётганга ўхшайди, дебди. Донишманд у билан бироз савол-жавоб қилиб, ҳаммаси рисоладагидек, бўлибди, бироқ фарзандларга меҳрингизни беролмабсиз. Ота-она меҳрли бўлмас экан, фарзандларидан оқибат кутмасин, дебди.

Дарҳақиқат, фарзандлар ота-она меҳридан баҳраманд бўлиши керак. Меҳр уларни эркалатиш, суйиш, бағрига босишнинг ўзи эмас, албатта. Фарзандларни қойишганда ҳам оталик, оналик меҳри билиниб туриши керак. Айтайлик, ёшлиқ қилиб ўғлингиз ёки қизингиз бирор ноҳўя ишга қўл урди. Уни қойишганда ноҳўя ишнинг оқибати нимага олиб боришини, бу ишнинг кейини ҳаёт тарзига таъсирини тушунтириш лозим. Шунчаки уриб-сўкиб

йўлдан қайтаришга одатланиш яхшиликка олиб бормади.

Яқинда суд ҳукми билан бир оила ажрим қилиниб, эр-хотин икки фарзандига нисбатан оталик-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ота-она фарзанд тарбиясига мутлақо эътибор қилмаган. Эри ичкиликбоз, топганини ароққа, кайфу сафога сарфлаган. Хотин эса сендан қоламанми, деб ҳафталаб... уйига келмаган. Икки фарзанд болалар уйига, етимхонага жойлаштирилди.

Оила эр-хотин, фарзандлардан иборат экан. Улар бир-бирларига меҳрли бўлишлари керак. Гоҳида айримлар ўғлим ёки қизим қариган чоғимда мендан хабар олмай қўйди деб нолишади. Суриштирсангиз улар фарзандларига ўз вақтида қалб меҳрларини бера олишмаган бўлади.

Инсон меҳри дарё сувидай беҳисоб, уммондай тубсиз. Ундан бошқаларни, айниқса, фарзандларни баҳраманд қила олиш керак.

Yaxshi xabar

BAHT TILADILAR

Buxoro shahar ichki ishlar bo'limining qo'riqlash bo'linmasida xizmat qilayotgan miliciya safdori Mo'minjon Qilichev hayotida unutilmas kun bo'ldi. Mo'minjon o'zi sevgan Muhabbat Qurbonova bilan turmush qurishdi. Ular nikoh to'ylariga yaqin-yiroqdagi qarindosh-urug'lari, do'st-dugonalari, qo'ni-qo'shnilar va hamkasblarini taklif etishdi. Visol oqshomi fayzli o'tdi, mehmonlar ikki yoshga baxtli hayot va mazmunli umr tiladilar.

...va aksincha

LA'NAT AYTDILAR

Toshkent tumanidagi «O'zbekiston» jamoa xo'jaligi a'zosi P. Teshaboyev oilasida keyingi paytda tez-tez janjal chiqadigan bo'lib qoldi. Yaqinda yana arzimasi bahona sabab bo'lib er-xotin butun mahallani boshlariga ko'tarishdi. Nobakor er xotini pichoqlab qo'ydi. Uning bu qilmishidan qo'ni-qo'shni, qarindosh-urug'lar norozi bo'lib la'nat aytdilar.

O'z muxbirimiz.

XONADONINGIZDA TO'YLAR BO'LSIN



ХОРАЗМ вилояти ИИБ Оила йили ҳамда Мустақиллик байрамининг 7 йиллиги муносабати билан яна бир хайрли ишни ниҳоясига етказди. Қутлуг байрам арафасида ички ишлар идораларида ҳалол меҳнат қилаётган 54 нафар ходим янги турар жой билан таъминланди. Тўққиз қаватдан иборат бу кўркем бинони Урганч шаҳар уйсозлик комбинатининг гайратли қурувчилари бунёд этишди.

— Кейинги уч йил ичида 90 нафар ходимимизнинг оила аъзолари янги замонавий турар жойларга эга бўлдилар, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Садриддин Зайниев. — Бундайин хайрли ва савоб ишларни

яна давом эттириш, барча шароитларга эга бўлган кўп қаватли тура ржой биноларини қурдириш ниятидамиз. Истиқлолимизнинг қутлуг тўйи арафасида топширилаётган ушбу янги хонадонларда ҳамisha тўйлар, яхши кунлар бўлсин. Мустақил юртимизнинг жасур ва шижоатли меҳнаткаш фарзандлари камол топсин, вояга етсин...

Бинони ўз эгаларига топшириш маросимида сузга чиққан бахтли хонадон соҳиб ва соҳибалари бошқарма раҳбариятига, вилоят ҳамда шаҳар ҳокимликларига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Тантанали маросимда Урганч шаҳар ҳокими Эргаш Юсупов иштирок эт-



ди ва хонадон эгаларини янги уйлар билан қутлади.

Ҳ. ЖАББОРОВ, СУРАТЛАРДА: Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Садриддин Зайниев Оила йили ҳамда Мустақиллик байрамининг етти йиллиги муносабати

билан ходимларга янги хонадонларнинг қалитларини топширмакда. Қисқа муддат ичида қуриб битказилган тўққиз қаватли турар жой биносининг умумий кўриниши.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.

YASHNAGAN DARAXTNING MEVASI SHIRIN

Мамлакатимизнинг асосий қонуни — Конституциянинг XIV боби оилага бағишланган. Мазкур бобнинг 64-моддасида шундай таъкидланган: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдилар...»

Ички ишлар идораларидаги фаолиятимизнинг ўйли профилактика соҳасида ўтди. Шу давр мобайнида балоғат ёшига тўлмасдан ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирлар улгайган нотинч оилаларда тушунтириш ишлари олиб бориш жараёнида нечанича тақдирлар билан танишишимга тўғри келди.

Бир оилада олти нафар фарзанддан учтаси вояга етмаган ҳолда

жиноятга қўл уришди. Кундуз ўғирлик содир қилганлиги учун беш йил муддатга қамалган эди. Лекин, Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги Фармонига асосан қамокдан озод этилди.

Ҳозирда Кундузнинг безорилик қилган укаси ва синглиси жазо муддатини ўташмоқда.

Нима учун бир оиладан уч фарзанд жиноят содир этди? Бу саволга ким жавоб беради, ота-онами ёки жамиятми?

Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлиши, оиладаги муҳит қай даражадалигига боғлиқ. Чунки шахс хислатлари, аввало, оилада шаклланади. Бу — халқимиз томонидан минг йиллар давомида исботланган оддий ҳақиқатдир. Ша-

рқнинг буюк мутафаккирларидан бири Абу Али ибн Сино бола тарбиясига оид фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, шундай деган: «Бола ахлоқининг шаклланишига эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, ҳурмати ижобий таъсир кўрсатади».

Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Нақадар ҳаққоний гап. Боланинг қай даражада шаклланиши ота-онанинг одоб-ахлоқи ҳамда маънавий етуқлигига боғлиқ. Барқ уриб яшнаб турган дарахтда ширин мева етилганидек, маданиятли оилада ўсган бола гузал сифатга эга бўлади.

Ота-она фарзандини нечоғли одобли, ахлоқли қилиб тарбияласа, вақти келиб роҳат-фароғатини кўради.

Тарбияда оилавий муҳит ҳам муҳим ўрин тутди. Аксарият ҳолда боланинг одобсиз қилиқлари, ноҳўя хатти-ҳаракатларини кўра туриб, «Бола-да, катта бўлса эси кириб қолар», деб унга бепарқ қараймиз. Лекин, фарзандимизнинг болаликдаги бундай қилиғи улгайганида бошга бало келтирувчи одатга айланиб кетиши ҳаёлимизга келмайди.

Фарзандига гузал тарбия бермаган одам ўз оиласининг бахт-саодатини барбод этади. Шундай экан, зурриёдларимиз эсли-хушли, жамиятимизга мос оқил инсонлар бўлиб етишишига эътиборни асло сунсайтирмаслигимиз лозим. Зеро, бу ҳар бир ота-онанинг биринчи галдаги олий вазифасидир.

Анвар ФУЛОМОВ, милиция майори.

XANDALAR

Судья. Сенга уят эмасми? Бу ерда тўртинчи маротаба бўлишинг-а!

Судланувчи. Жаноб судья, ўзингиз бу ерда ҳар куни бўласиз, аммо мен сизни асло уялтирганим йўқ-ку, ахир.

Судья. Шовқин қилманг! Кимда-ким тинчликни бузса, шу заҳоти хонадан чиқариб юборилади.

Айбланувчи. Яшасин! Жаноб судьяга офарин!

Судья. Сен нега хурсанд бўлаясан?

Айбланувчи. Мени тезроқ хонадан чиқариб юборишлари учун-да.

Судья. Сен нима сабабдан қалбаки пуллар ясайсан?

Судланувчи. Мени кечирасиз, жаноб, ҳақиқий пулларни ясашни ҳали ўрганганимча йўқ-да.

UNASHISH
MAROSIMI

Янги Гвинеяда уйланмоқчи бўлган папуа йигити сочининг бир толасини тамаки барги орасига қўйиб, сигара тайёрлайди. Сигарани ярмигача чекиб онасига узатади, онаси эса қизга узатади. Қизнинг сигара чекиши розилик белгисидир. Шунда иккала томон келишган, никоҳ фотиҳаси ўқилган ҳисобланади.

CHARCHOONI
OSONGINA
YENGISHGAN

Француз ёзувчиси А. Дюма бадий асар ёзиб чар-

чаган пайтларида таом тайёрлашни севган. Натижада «Пазандалар энциклопедияси»ни ёзган. Д. И. Менделеев эса илмий ишдан толиққан вақтларида дурадгорлик қилиб, жомадон ясаган.

QOYIL MISRLIK
AYOLLARI

Қадимги миср аёллари ўртасида иккита кўйлак — юпка матодан тикилган ички, ярим оқ газламадан, кенг қилиб тикилган устки кўйлак тиктириш расм бўлган. Қоматни чиройли кўр-

сатиш учун бундай кўйлақларни белдан ва кўкракнинг юқорисидан тортиб, устидан чиқиб қолган киши бирор нарсани тушуни олиши амри-маҳол. Чунки синаш ва баҳолаш махсус термин ва атаmalar билан аталади. Бу ерда чойга бериладиган таърифлардан, масалан

CHOY
VA ATAMALAR

Чойни тотиб кўриб, баҳо бериш пайтида унинг устидан чиқиб қолган киши бирор нарсани тушуни олиши амри-маҳол. Чунки синаш ва баҳолаш махсус термин ва атаmalar билан аталади. Бу ерда чойга бериладиган таърифлардан, масалан

Sandiq

жонли, думалоқ, ётилган деган сўзларни эшитиш мумкин. Бу — дамланган чой тўғрисидаги гаплар. Ҳиди хусусида эса: кўрда пишган, куйган, тутундан димиққан, қуруқ, хашаки, қора мой сифат, бугда пишган ва терлаган, дейишади.

Ш. АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

ШАҲЗОДА

IKKI KUYOVLI...
KELIN

(hazil hikoya)

— Эшитдингизми кўшни? Фотимахоннинг бўлгуси кўвнини бир гуруҳ милиция ходимлари ураб олиб кетаётганмиш. Ҳарчанд оёқ тираса ҳам қўймай, кутариб кетибди. Бир балоси бор.

— Вой ўлмасам. Айтгудим-а, бу йигитнинг кўриниши сал бошқачароқ, кўзи бежороқ деб. Энди нима бўлади? Туй қолармикин?

— «Бир балоси бўлмаса шудгорда куйруқ на қилур». Бир бало бўлган, туй қолади!

Икки кўшни аёл ўртасидаги бу суҳбат зум ўтмай маҳаллага тарқалди. Ҳамма ерда шивир-шивир, миш-миш. Ва, ниҳоят, Фотима опа у орқали Қосим акаларга етиб келгунча пашшадан филга айланган гапни эшитишди.

— Бориб, суриштириш керак, — деди Фотима опа.

— Э, қизинг кучада қолганми? Нима деб борасан? Ўзлари одам юбориб, нима гаплигини тушунтирсин. Гап тамом.

Отанинг феъли оилага маълум.

Онаси орқали кўёв бўлмиш Шухратбекнинг «бир тўда мелисалар олиб кетишганини» эшитган бўлгуси келин — Хосиятнинг ҳам дами ичида. Шухрат унашилгандан буён атиги икки марта учрашиб, «қўшни битиряпман, давлат имтиҳони топшираман, учрашолмасак — хафа бўлманг, ўзим кейин одам юбораман, учрашамиз» деган. Энди нима қилиш керак?

Туй тараддуди таққа тўхтади. Ота-она, қизнинг кўзи кучада: — биров келиб, фалон бўлди дермикин? Кўёв томондан садо йўқ. Расм-русумлар ўтказилиб, туй куни белгиланган. Энди икки қудда туй олдидан бир-бирини туйга айтиши керак, холос. Туйгача эса ҳали салкам икки ой бор.

Хосият кўчага чиқишга бетламайди. Ким ачини қарайди, ким кулиб. Ота-онаси ҳам хомуш. Кеча Исоқ ака деган кўшнлари «кўшни, биров келиб, нима бўлганини тушунтирдими?» деб сўраса, отаси «ўла, ҳеч ким тенгсаб келмади» демасин деб «ҳа энди, йигитчилик. Биров билан му-

штлашган экан» деб қўя-қолганмиш. Бундан кейин локда «ана, бировни уриб, ўлдирай деган экан, қамаб қўйишибди, эрта-индин суди бўлармиш» деган гаплар ўрмалаб қолди. Зайнаб исмли дўғонаси Хосиятга «Яхшиям туйинг бўлиб ўтмагани, беш-ун йилга қамалиб кетса, умринг кутиш билан ўтиб кетаркан. Ота-онанга айт, Комил ўзим уйланаман, деяпти деб гап топиб келди ва Комил билан Хосият орасида қачондир бир «ялт» этиб ўчган ўтга ишора қилди. Одамлар, «ўла, туйи бузилди» дегандан кўра ва у томондан туй бўлмади деган гапни кутиб ўтирмасдан ўзларинг тугунини қайтариб беринглар. Сенга нима? Эртага қамалиб кетса нима гаплар чиқишини биласан».

Бу гапдан кейин Хосиятнинг бардоши тугади: — Урток, онамга бу гапларни мен айтсам — уят. Яхшиси, сен ўзинг ётиги билан тушунтир, — ялинди у. — Шундай қилгинки, туй тўхтамасин, ўша куни Комил иккаламининг туйимиз бўлиб кетса, гапирганлар тилини тишлаб қолади.

Бу гапдан кейин Зайнабнинг оёғи олти бўлиб, ишга киришди. Қизингиздан бу жўяли маслаҳатни эшитиб, ота-она ҳам ўйланиб қолишди. Ва охири Қосим ака:

— Онаси, бу қиз ёш бўлса ҳам бало экан. Тўғри айтади, туй тўхтамасин. Уларнинг тугунини тайёрла, — деди ва Зайнабни чақиртириб, Комил совчиларини юбораверсин, мазмунида гап қилди.

«Катта-катта тугунни бошларига қўйиб олган уч аёл хориб-толиб, туман марказидан Шухратларнинг уйига етиб келганларидан қўёв оға бошлаган, пода қайтар маҳалига яқинлашиб қолганди. Аксига олиб, Шухратларнинг уйда ҳеч ким йўқ. Аёллар ўйлай-ўйлай тугунни кўшни-рус кампирга ташлаб, қўшнингга бериб қўй, дея тайинлаб, қайтаверишга аҳд қилишди.

Кампири тушмагур ўзбекчани унча тушунмас экан. Нима гаплигини тушунтиргунча, элчи аёллар қаро терга тушишди. Ва, ниҳоят, оғир юкдан халос бўлиб, охири автобусда

қишлоққа қайтишди.

... Туй ташвиши — хурсандчиликка, деймизу, унинг ҳам ўзига яраша залвори бор. Туроб ака билан Насиба ая кенжа ўғиллари Шухратнинг бошини икки қилиш учун елиб-югурмоқдалар. Мана, белгиланган кунга ҳам ҳеч қанча қолгани йўқ. Тезроқ ҳаракат қилмасалар — бўлмайди. Туроб аканинг одади — ҳамма ишни ўзи қилиб ўрганган, бировга кўпда иш буюравермайди.

— Онаси, — деди у тугун титкилаётган Насиба холага. — Йиғиштирин. Тоққа бориб, қариндошларни бафуржа туйга айтиб, бир йўла боқувдаги кўчқор-у, новвосни ҳам олиб келамиз. Бу ердаги ишларни катта келинларингга буюр, биз келгунча, бажариб туришсин.

Отанинг амри-вожиб. Эртаси тонгда эр-хотин машинани тоққа қараб ҳайдашди. Шу кун кечроқ эса қиз томон тугунларни қўшнига ташлаб кетдилар.

Тугун қайтарилгандан кейин орадан уч кун ўтса ҳам «нима гап?» деб биров сўраб келмагани Қосим акага шундай алам қилдики... Фотима опанинг дами ичида, бир гап айтса — балого қолади. Чунки ота, қуй, қизимизга қишлоқдан кўёв чиқар, деганда она узокроқ бўлсаям марказ, қишда ўтин-кўмир демайди, йигит ўқиркан, маданиятли деб эрини «авраган». Мана, «маданиятли, ўқиган»нинг каромати.

Фотима хола Зайнабга секин гапнинг учини чиқарди. Зайнаб шу кунгича тахт бўлиб турган Комилнинг совчиларини етаклаб келди. Туй тараддуди келган жойидан давом этди.

Туроб ака билан Насиба опа бир ҳафтадан кейин эсон — омон, хурсанд кайфиятда уйга қайтишди. Уйдан чиқиб келган Надя кампир уларни дарвоза ёнидаги ҳужрага имлаб, тугунларни курсатди.

— Нима гап? — деди оёқ-қули бушашиб Насиба хола. — Ким олиб келди, қачон?

Кампир эр-хотинга бўлган гапни ўзи тушунганича айтди.

— Келин нега қамалади? — ажабланди эр-хотин бир-бирига қараб.

— Билмасам...

Эр-хотин мотори совмаган машинани қишлоққа ҳайдашди. Қоронғу қуюқлашганда қишлоқнинг чеккасида яшовчи танишлари Холмат аканинга кириб боришди ва дарвоза-хонадаёқ келишларидан мақсадларини тўки солишди. Хомуш тортган Холмат ака:

— Қани, бориб билайлик-чи, қиз нега қамалди-кан? — дегач, Туроб ака иккови қизнинг уйига қараб кетишди.

Холмат ака «Қосимбой» дея чақириб келганда, Қосим ака бўлажак туйни хомчут қилиб ўтирганди. У овоз берди ва истамайгина чақирувчининг қошига чиқди.

— Хизмат?
— Э, ошна, нима гап?
— Ҳеч гап йўқ. Туй ташвиши...

— Қизик гап эшитиб... қизингиз қамалиб қолганмиш.

Қосим аканинг бошига гурзи билан урилгандай бўлди.

— Кимдан чиқди бу гап? — деди у урворгудек ваҳожат билан.

— Қудаларингиз...

— Ҳали ўзининг айбини менга ағдармоқчимми? Шунанга гап чиқаришибдими? Қани, чақир, ўлдираман...

— Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг. Ахир кимдир шунга ўхшаш гап қилиб, тугунларни ташлаб келибди-ку?

— Овсар экансиз! Менинг қизим эмас, унинг ўғли қамалибди! Шуни эшитиб, унга берадиган қизим йўқ дедим...

Бу гапдан доврираб қолган Холмат ака нарироқда турган Қосим акани бошлаб келди.

— Мени маъзур тутинглар, — деди у. — Икковларинг бақамли гаплашиб, нима гаплигини аниқлаб олинглар...

Икки собиқ қудда бир-бирини айблаб-айблаб, охири гапнинг тагига етишди.


— Ҳеч ким ўғлимни қамагани йўқ-да, — деди Туроб ака қизишиб. — Ўғлим мелиса мактабини битирди. Формасини ечиб қўйиб, кишилик кийимида дуконга чиқиб турса, иккита машинада акалари, поччалари табриклари келиб қолишибди. Улар ҳаммаси ҳуқуқ - тартибот идораларида ишлашади. Саккизта формали акапоччалари ўғлимни кўтар-кўтар қилиб, уйга олиб келишди. Шунда кимдир кўриб, гап тарқатгандир...

Бу гапни эшитган Туроб ака «оббо» дея бош қашиб қолди. Холмат ака эса «суяксиз тил-эй, суяксиз тил» дерди қайта-қайта.

Ҳаммадан ошиб тушгани энди келин кимники бўлади?...

Хукми сизга ҳавола.

KROSSVORD



Азиз муштарийлар! Ушбу кроссворднинг ўзига хос томони шундаки, у фақат еттита ҳарfli сўзлар, номлар ва атамалардан тузилган.

Энига: 7. Халқ вакили. 8. Жаҳондаги энг йирик музейлардан бири. 9. Эртапишар узум нави. 10. Чет эл молларини келтириш ёки чиқаришни давлат томонидан тақиқлаб қўйилиши. 11. Ички ишлар идораларида кичик бошлиқлар таркибига бериладиган махсус унвон. 14. Франция ва Испаниядаги дарё. 15. «Ҳожимурод» повестининг муаллифи. 16. Ток баргига қийма ва гуруч ураб пиширилладиган таом. 19. АҚШ шимолдаги штат. 23 Шарқ мамлакатларида улугланиб, «Ал-Муаллим ас соний» (Аристотелдан кейинги «Иккинчи муаллим») номини олган машҳур файласуф, энциклопедист олим. 24. Ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи — мусулмонлар рўза тутадиган ой. 25. Ўрта Ер денгизидagi энг катта орол. 26. Сурхондарё билан Кофарниҳон дарёси оралигидаги тоғ тизмаси. 27. Кимёвий элемент. 28. Ранг-баранг қанотли ҳашарот.

Буйига: 1. Ой ёки сунъий йўлдошнинг Ерга энг яқин нуқтаси. 2. Беморни даволаш. 3. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 4. Шаҳар транспорт воситаларидан бири. 5. Қадимги юнон математиги. 6. Тригонометрик функциялардан бири. 12. Ўрта Осиёда 1238 йилда мўғуллар зулмига қарши кўтарилган халқ ҳаракати раҳбари. 13. Асарларининг мажмуаси «Девони ҳикмат» деб юритилган машҳур шоир ва мутафаккир. 14. Муаллифга тўланадиган қалам ҳақи. 17. Кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби. 18. «Бобур», «Ҳумоюн» ва «Акбар» номли тарихий романларнинг муаллифи. 19. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи маъмурий-ижрочи идора. 20. Қонунчиликка рўя қилинишини таъминлашга оид фаолият шаклларида бири. 21. Ўзбек халқ рақс куйи. 22. Ширинлик.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ,
истеъфодаги ички хизмат подполковниги.

Хизматлар
Dargoni

саҳифаларини
Э. САТТОРОВ,
С. ШАМСИДИНОВ,
Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА
ва С. ШОДИЕВ
тайёрладилар.

Кейинги
саҳифаларда учрашгунча,
хайр! Хатларингизни кутамиз.



Кўрик-танлов

МАЙДОНДА...
ИНКАССАТОРЛАР

22-23 август кунлари Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти уйингоҳида Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги ҳамда Оила йили муносабати билан «Инкассатор-98» кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инкассацияси бирлашмаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган дастлабки босқичда голиб чиққан ун беш жамоа иштирок этди.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, инкассаторларнинг асосий вазифаси миллий валюта айланма ҳаракатини таъминлаш, қийматликларни белгиланган жойларга ўз вақтида ва бус-бутун етказиб беришдир. Бундай масъулият кишидан жисмонан соғлом, чиниққан, маҳоратли бўлиш, фавқулодда вазиятларда ўзини йўқотмай, тўғри йўл танлашни талаб этади. Кўрик-танлов давомида инкассаторларнинг ана шу жиҳатлари эътибор-

га олинди, синовдан ўтказилди.

Республика инкассация бирлашмаси бош директори Б. Халилов кўрик-танловни қисқача қириш сўзи билан очар экан, инкассаторлар касб маҳоратини оширишда мазкур беллашувнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади ва иштирокчиларга омад тилади. Жамоаларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош қаруви раисининг уринбосари А. Қодиров қизгин кутлади.

Шундай қилиб, баҳслар бошланиб кетди. Дастлаб ҳар бир жамоадан тўрт киши столлар олди-га келиб, Макаров тўппончасини қисмларга ажратиб йиғишди. Сунгги иштирокчи тўппончани йиғиб ғилофга солгандан кейингина вақт ҳисоблаб борилди.

Кейинги шартлар 150 метрга тўсиқлар оша югуриш, автомашинани носоз ғилдирагини алмаштириш ва фигурали байроқчалар орасидан олиб ўтиш бўйича эди. Ушбу машқларни бажаришда инкассаторлар

маррага имкон қадар тез етиб келиш, автомашинани усталик билан бошқариб, кўпроқ балл тўплашга ҳаракат қилишди.

Баҳсларнинг энг қизиқарли қисми савдо ташкилотидан тушум пулини қабул қилиб олиб, машинага кетаётган йиғувчи инкассаторга ҳужум қилиш шarti бўлди, дейиш мумкин. Диққатга сазовор жойи, тақдим этилган ҳар бир лавҳа ўзига хос тайёрланган эди. Фавқулодда вазиятлар — босқинчилар йўлсозлар ёки тиланчи қиёфасида инкассаторга тажовуз қилишар, йўлга махсус мосламалар тўшаган ҳолда машина баллонларини тешишар ва шу йўл билан талончилик қилишга уринишарди. Аммо жиноятчилар қандай ҳийла йўлаб топишмасин, чап-даст йигитлар жанговар усуллар ёрдамида уларни қўлга олишарди. Кетма-кет машинада етиб келган милиция ходимлари ёрдам беришарди. Инкассаторлар билан бирга Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қуриқлаш бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари ҳам



фаоллик кўрсатишди. Ҳайъат аъзолари мазкур шартни баҳолашда белгиланган вазифа тўғри бажарилишини, инкассатор тушум пулини қабул қилганда хатоликка йўл қўймаслиги, жанговар усуллар тўғри бажарилиши ва гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларини ҳисобга олиб борди.

Инкассаторларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Инкассация бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган буйруқ, йуриқномалари бўйича билимлари ҳамда бадий маҳоратлари ҳам синаб кўрилди.

Тўпланган баллар бўйича Андижон вилояти вакиллари биринчи, Тошкент шаҳри гуруҳи иккинчи, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари жамоалари эса учинчи ҳамда тўртинчи ўринларни эгалладилар. Голиб жамоаларга

видеоиккилик, телевизор, магнитофон, музлатгич берилди. Бундан ташқари ҳар бир иштирокчи эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Беллашувдан сунг кўрик-танлов ҳайъатининг раиси, Республика инкассация бирлашмаси бош директорининг муовини Лутфулла Аҳоровдан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

— Кўрик-танлов давомида инкассаторларимиз маҳорати такомиллашиб бораётганини кўриб жуда мамнун бўлдим, — деди у киши фахр билан. Йигитлар имкони бори-ча голиб чиқишга ҳаракат қилишгани, ҳатто жамоа аъзоларидан бири хатога йўл қўйганда, иккиланмай яна беллашувни давом эттиришгани қувончлидир. Бадий қисмда фарғоналикларнинг Оила йилига бағиш-

лаб тайёрланган интермедияси, наманганликларнинг културизм машқлари, шунингдек монологлар, қўшиқлар уйингоҳга тўпланган мухлисларда катта таассурот қолдирди, деб ўйлайман. Инкассаторларнинг жанговар ва жисмоний маҳоратини ошириш учун «Динамо» ҳамда «Пахтакор» уйингоҳлари раҳбарияти билан шартнома тузиб, қўл жанги, шахсий қуролдан ўқ отиш бўйича машғулотлар олиб борилаётгани. Инкассаторларимиз баъзан руҳсат этилмаган жойлардан юришларига тўғри келиб қолади. Бунда ДАН ходимларининг ҳамкорлиги қўл келаяпти. Барча саъй-ҳаракатларимиз, кўриб турганингиздек, ўз самарасини бермоқда.

Ўз мухбиримиз.
СУРАТДА: беллашувдан лавҳа.

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА КЎНГИЛ

У ҳақда газетамизда илгари ҳам ёзилган. Ёш рассом Валижон Бакиров Тошкент театр-рассомчилик институтини битиргач, армия сафида йигитлик бурчини ўтади. Хизматдан сўнг бадий графика билан қизиқиб, нишон, тарғиб қилувчи плакатлар, буклет, проспект ва ориткалар тайёрлашга ихтисослашиб борди. Бир вақтнинг ўзида тасвирий санъат билан ҳам машғул бўлди. Ижод намуналари бир неча марта республика кўرғазмалари, шунингдек, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўрғазмалар залида намойиш этилди.

В. Бакиров бир неча йил «Ўқитувчи» нашриётида бадий муҳаррир бўлиб ишлаб, китобларни безаш билан шуғулланди. Кенг китобхонлар оммасига танилган «Халқ мусиқий асбоблари» асарига иллюстрациялар яратди, «Халқ эртақлари», «Сехри сандиқ» ва бошқа китобларни безашда иштирок этди. Бўш пайтларида эса қатор график портретлар яратди. Одатда дўстлари ва танишлари прототип вазифасини ўтарди. Унинг бир кўрган нарсасини яхши

эслаб қолиши ва тасвирлаш қобилияти милицияда асқотди. Ёш рассомдан гувоҳлар берган кўрғазма асосида жиноятчининг портрет суратини чизиб беришни илтимос қила бошлашди.

Кунлардан бир кун В. Бакировни Тошкент милициясига ишга таклиф қилишди. Тошкент шаҳар ИИББ ўқув маркази зобитлар курсини битирган Валижон милиция лейтенанти унвони билан туман ички ишлар бўлимида биринчи фаолият кўрсата бошлади. Бир вақтнинг ўзида у яратган асарларни АКШ, Германия, Англия, Австралия, Япония, Хитой, Туркия давлатларининг фирмалари сотиб олишди.

Гўзаллик шайдоси Валижон Бакиров асли Фарғона водийсининг Чимён қишлоғидан. Болалиги шу ерда ўтди. Унинг биринчи устози Христов Кан эди. Айни пайтда у Валижонлар хонадониде яшайди. Ўзбек оиласи ёлғиз, кўпинча саломатлигидан нолийдиган, жонли асарлар яратишдан бўлак қўлидан бирор иш келмайдиган бу ёши улуг кишини илиқ кўтиб олди. Шу йил баҳорда республика Интермарказида фарғоналик рассом томонидан яратилган асар-

ларнинг кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ушбу кўрғазма Фарғона вилояти корейс маданият маркази ташаббуси ва маблағи эвазига ташкил этилди. Унда Х. Каннинг шогирди Валижон ҳам қатнашди.

Бизнинг замондошларимиз доимо бошқа халқлар маданиятини яхши тушуниши ва ўрганиб бориши билан ажралиб туради. Ўзбекистон кўплаб мамлакат ва миллат вакиллариининг иккинчи уйига айланмоқда. Бу хислат икки киши юрак амри, санъатга қизиқиши билан бир-бирига кадрдон бўлиб қолган ушбу мисол орқали ҳам ўз ифодасини топди.

Ҳозирда Валижон Бакиров бир қанча янги асарларни тугатди. Шулардан иккитаси газетамизда ёритилапти. Асарлардан бири «Эски шаҳар», иккинчиси эса «Чинор» деб номланган.

Ўз мухбиримиз.



Спорт

ФИНАЛ ҲИЎНЛАРИ
ЯКУНЛАНДИ

Милиция генерал-майори К. Ғофуров хотирасига бағишланган ва республика ИИБ чемпионати бўлимиш футбол ўйинлари финал турнири ИИБ Академияси спорт майдонида ўтказилди.

Қатнашчилар охири кун ўйинларига турли хил натижалар билан етиб келдилар. 5 ва 6-ўринлар учун бўлган учрашувларда Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари ИИБ футболчилари курашдилар. Сурхондарёликлар икки тайм давомида ташаббусни қўлдан бермадилар. Ҳисоб 8:1 ҳисоби билан сурхондарёликлар фойдасига ҳал бўлди.

Республика Жазони ижро этиш Бош бошқармаси ва Навоий вилоят ИИБ жамоаси ўзаро 3-4-ўринларни бўлишдилар. Чемпионат финал ўйинларини бир хилда ўтказган бу жамоалар футболчиларининг ўйинлари ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Бу ўйинда ЖИЭБ жамоаси ўйинчилари ус-

тунлик кўрсатдилар. Ҳисоб 4:0.

ИИБ Академияси ва Тошкент вилояти ИИБ футболчиларининг ўйинларида бу йилги голибларни аниқлашни лозим эди. Бўлиб ўтган ўйинлар ичида бу икки жамоанинг биринчилик учун олиб борган кураши ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ўташиддатли ва қизгин ўтган ўйин ва ИИБ чемпионатининг голиблиги яна Академия жамоасига насиб қилди (2:1).

Ғолиблар, мукофотланганлар ва турнир қатнашчиларини республика Ички ишлар вазирининг уринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов табриклади. К. Ғофуровнинг оила аъзолари ўзлари энг яхши деб ҳисоблаган ўйинчиларга алоҳида мукофотлар тақдим қилдилар.

Республика миз мадҳияси садолари остида жамоалар сардорлари мусобақа байроғини туширдилар...

Ўз мухбиримиз.

Мамажон Ҳамдамович АКРОМОВ



Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жамоаси оғир жудолликка учради. Узоқ давом этган хасталиқдан сунг Самарқанд вилояти ИИБ Жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Мамажон Ҳамдамович Акромов қирқ тўрт ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Мамажон Ҳамдамович Акромов 1954 йил 9 сентябрда Самарқанд шаҳрида туғилди. 1972 йилда Омск шаҳридаги Милиция олий мактабига ўқишга кирди ва аъло баҳолар билан битириб, ўзи туғилиб усган Самарқанд вилоятига ишга келди.

М. Акромов оддий инспекторликдан Самарқанд вилояти ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимига кўтарилди. Халқига виждонан ва ҳалол хизмат қилиб, жиноятчиликка қарши курашда энг олдинги сафларда борди. Фидокорона меҳнати кўп марта тақдирланган.

Мамажон Акромов ёшларнинг жонкуяр мураббийси, касбдошлари маслаҳатгўйи, яхши дўст, ҳурмат-иззат топган раҳбар, ибратли оила соҳиби эди.

Камтарин ва жафокаш инсон Мамажон Ҳамдамович Акромовнинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Ботирали Акромович БОЛТАБОВ

Оҳангарон туман ИИБ Давлат Автомобиль назорати бўлимининг йўл-патруль хизмати инспектори, милиция сержанти Ботирали Акромович Болтабоев ўз хизмат вазифасини адо этаётган пайтда фожиали ҳалок бўлди.



Б. А. Болтабоев 1966 йили Тошкент вилоятининг Уртачирчиқ туманида таваллуд топган. У ҳарбий хизматни тугатиб, Уртачирчиқ туманидаги «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалигида ўз меҳнат фаолиятини бошлади.

Унинг ишга бўлган меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлигини кўрган жамоа ҳўжалиги аъзолари уни 1992 йили йўлланма билан Тошкент вилояти ДАНБга хизматга жўнатдилар ва у умрининг сунгги кўнига қадар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб келди.

Хизмати давомида виждонан меҳнат қилди. Раҳбарият томонидан бир неча маротаба муносиб баҳолини, ташаккурнома, Фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Марҳум милиция сержанти Ботирали Акромович Болтабоевнинг ёрқин хотираси қалбимизда бир умр сақланиб қолади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Алоқа бўлими тезкор алоқа тармоғи бошлиғи, милиция майори Зоир Отажоновга турмуш ўртоғи

Курбунош ОТАЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма вақтинча ушлаб туриш хибсхонаси милиционер

Икромжон ШОХАЛИЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби участка қатта вакили, милиция капитани


Нажмиддин САФАРОВнинг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирадилар.

ШИФРОГРАММАЛИ КРОССЧАЙНВОРД

Азиз муштарийлар! Ушбу бошқотирма тўрт қисмдан иборат. Уни тўла ҳал қилиш учун аввало кроссчайнворднинг сўзларини топиб, уларни тартиб билан шаклга жойлаштириб чиқинг.

1. САККИЗ ҚИРРАЛИ ЮЛДУЗ ШАКЛИДА:

1. Туркистоннинг VI — VIII асрлардаги номи. 2. Миллий таом. 3. «Нафис чайқалади бир туп...» (Ойбек). 4. Хунар. 5. Миниатюрчи рассом, Ҳирот миниатюра мактабининг йирик намояндаси. 6. Галла. 7. Ўзбек мумтоз шоираси. 8. Шашмақом куйларидан бирининг номи. 9. Аҳоли яшайдиган жойнинг маъмурий бинолар, савдо ва бошқа муассасалар ўрнашган асосий қисми. 10. Таомни хушбўй ва хушхўр қилувчи усимлик уруги. 11. Кундалик иш, фаолият. 12. Буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик. 13. Ғузанинг «мева-си». 14. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 15. XIV — XV асрда темирйилар давлатининг пойтахти. 16. Мусиқа асбоби. 17. Ипак газлама. 18. Чорраҳаларда нақлиёт воситаларига ишора бериб туривчи электр чирок. 19. Ўзбек саркардаси. 20. Шеър улчови. 21. Энг азиз таом. 22. Миллий чолғу асбобларидан бири. 23. Куча четидаги пиёдалар юрадиган тор йўл. 24. Республикадаги автомобилсозлар шаҳри. 25. «Кичкина декча, ичи тўла михча» (топишмоқ). 26. Қамарий йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи. 27. Мевали дарахт. 28. Полиз экин, резаворнинг бир тури. 29. Суюқ ош. 30. Олий даргоҳлардан бири. 31. Дуккақиллар оиласига мансуб усимлик. 32. Конституцияда белгиланган тартибда қабул қилинадиган норматив ҳужжат. 33. Эр-хотиннинг оилавий иттифоқи. 34. Қовуннинг эрта етиладиган тури. 35. Қазилма ёқилги. 36. Чертиб чалинадиган мусиқий асбоб. 37. Данаги олиб қуритилган ўрик. 38. Поясидан тола олиннадиган усимлик. 39. Туксиз гилам. 40. «Ҳалол меҳнат



яхши одат, берур сенга...» (мақол). 41. Барглари ипак кўртга озуқа бўладиган жануб дарахти.

II. Ташқи гулбарглр бўйлаб. 42. Халқ томонидан сайлаб қўйилган давлат раҳбари. 43. Урта Осиёлик давлат арбоби ва саркарда (1336 — 1405), Мовароуннахр амири. 44. Жамиятда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида. 45. Ўзбек қабилаларидан бирининг номи. 46. Узум бёрувчи усимлик. 47. «Урдим гуп этди, ер тагига кириб кетди» (топишмоқ). 48. Мусулмонлар ибодати. 49. Халқ бадийи хунармандчилигининг бир тури. 50. Ўзига хос синов. 51. Гўшдан тайёрланадиган таом. 52. Таниқли ўзбек кино актёри. 53. Ўзбекистон халқ шоири. 54. Сахро билан уралган обод, сувли улка. 55. Доим яшил дарахт. 56. «Адоват эмас, ... енгади» (Амир Темури). 57. Сабзавот усимлиги.

III. Ички гулбарглр бўйлаб: 58. «Меҳнат қилиб топганинг, қанду... тотганинг» (мақол). 59. Баҳор гули. 60. Сунъий равишда ясалган сув йўли. 61. Шакардан тайёрланган шербат. 62. Қасқонда пишириладиган хамир овқат. 63. Мамлакатнинг узини-ўзи идора этиши. 64. Шифобахш мева. 65. «Бобомнинг тут эккани — ўзига... эккани» (мақол). 66. Тутун чиқиш йўли. 67.

Кишининг расмий ҳужжатлардаги исми, отасининг исми. 68. Клавишли мусиқа асбоби. 69. Шеърят. 70. Донли экин. 71. Суюқ овқат. 72. Қадимда хон ёки амир саройининг мустақамланган қисми, ички қалъа. 73. Арқоғи зардан тикилган мато. 74. Чегарадан юк олиб ўтишни назорат қилиб туривчи давлат муассасаси.

IV. Шифрограмма: Уни ҳал қилиш учун кроссчайнворд шакли тевагадаги доира хоналарига ўртасига кичкина чизикча қўйиб ёзилган қўшалоқ рақамлардан очқич сифатида фойдаланишингиз лозим. Уларнинг биринчиси кроссчайнворд жавобларидан сиз учун керакли бўлган сўзнинг тартиб рақамини, иккинчиси эса ана шу сўзнинг нечанчи ҳарфини олиб, уни шифрограмманинг тегишли хонасига ёзишингиз зарурлигини аналатади. Шу усул билан бошқотирманинг ҳамма хоналаридаги рақамларни тегишли ҳарфлар билан алмаштириб чиқсангиз, бу йилги Истиқлол байрами муносабати билан айтилган табрик сўзлари намоён бўлади.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

Мунажжимлар башорат қилади

КҮЙ (21 март — 20 апрель)

Ушбу ҳафта турли воқеаларга бой ўтади, деб бўлмайдми. Душанба ва жума кунлари бажарётган ишингизда муваффақиятга эришасиз. Сешанба кўни кўп юришингизга тўғри келади. Шанба кўни яхши харид қиласиз.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Ҳафтанинг биринчи ярмида ўз саломатлигингизни яхшилашга ҳаракат қилинг. Чоршанба кўни қариндошларингиз билан кўнгилсиз муносабатлар юзага келиши эҳтимолдан холи эмас. Жума кўни сизга омад келтирувчи молиявий операцияда иштирок эта-сиз. Якшанба кўни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Мазкур даврдаги муҳим воқеалар — душанба кўни ишбилармонлик учрашуви ва пайшанба кўни илгари бошлаб қўйилган муҳим ишни ниҳоясига етказишингиздир. Сешанба — омадсиз кун. Шанба кўни дўстларингиз билан тортишиб қоласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Сешанба кўни ажойиб саргузаштдан кейин ишингиз бироз юришмайди. Пайшанба, жума ва шанба кунлари рўҳингиз тетик бўлади. Жума кўни моддий аҳволингиз яхшиланади. Шанба кўни эса ҳаётингизга катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган киши билан учрашасиз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Ҳафта давомида келиш-

31 август — 6 сентябрь учун

мовчиликлар келиб чиқади, асабингиз кўп бузилади. Айниқса сешанба, чоршанба ва жума кунлари кутилаётган кўнгилсизликлар ёдингизда қолади. Душанба кўни эски қадрдонингиздан хабар топасиз. Дам олиш кунлари ижод билан шугулланишни маслаҳат берамиз.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Ҳафтанинг дастлабки кунлари кайфиятингиз тушиб кетади. Чоршанбадан жума кунгача бўлган иш фаоллигингиз сезиларли даражада ютуқлар келтиради.

Ҳафтанинг охирида турли янгиликлардан хабар топасиз.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Душанба кўни турмушингизга салбий таъсир кўрсатувчи ишлардан воз кечганингиз маъқул. Бу кўни ба-рибир ўзингиз кутган натижага эриша олмайсиз. Жума кўни ҳамёнингизга пул тушади. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан машғул бўлинг.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Душанба кўни асаббузарлик меҳнат фаолиятингизни заррача ўзгартира олмайдми. Сешанба кўни яқин кишингиздан хабар топасиз. Жума кўни ишбилармонлик қобилиятингиз намоён бўлади. Якшанба кўни қувноқ даврада утказасиз.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Душанба кўни келишмовчилик рўҳингизни тушириб

юборади. Чоршанба кўни моддий аҳволингиз сезиларли даражада яхшиланади. Пайшанба кўни ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли якулланади. Дам олиш кунлари ажойиб ҳис-туйғулар оғушида бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Душанба кўни саломатлигингиз билан боғлиқ муаммони ҳал этиб, чоршанба ва пайшанба кунлари баракали меҳнат қиласиз. Жума кўни ажойиб инсон билан учрашув кутилмоқда. Якшанба кўни ҳўжалик ишлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этинг.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Ушбу ҳафтанинг бошида ўзингизни кўп уринтирма-нг, зеро саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Чоршанба ва пайшанба турли воқеаларга бойдир. Жума кўни молиявий аҳволингизни яхшилаш учун баракали меҳнат қилишингизга тўғри келади.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Ушбу ҳафта осойишта ўтади. Муҳим ва тезда бажарилиши лозим бўлган ишлар кутилмайди. Дам олиш кунлари кўнгилли утиши билан ёдингизда қолади. Бу дамларда севги эҳтирослари рўҳингизга кўтаринки кайфият ба-хш этади.

Ўзбекистон
Республикаси ИИБ
Бирлашган таҳририяти

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,

Тошкент,

Юнус Ражабий

кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг
жума кунлари
чиқади.

**Бош муҳаррир
Зокир АТАЕВ.**

Нашр учун масъул
Эркин САТТОРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари в.б.)

Навбатчи:
С. ШАМСИДДИНОВ
Мусаҳҳихлар:
Н. Султонова
Г. Холиқова
Саҳифаловчи
М. Насретдинова

ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош муҳаррир — 139-70-40,
(088) 25-25

Бош муҳаррир ўринбосари —
139-77-23, (088) 24-16
муҳбирлар бўлими
139-75-69.

Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш
масалалари бўйича
муурожаат учун:
тел.: 139-70-40,
факс: 54-37-91,
пейжер: (088) 36-97.

Бизнинг ҳисоб-қисми:
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси
ҳисоб-китоб — касса
марказида:
21506000200447980001,
МФО 00014.

● Кўчириб босиш-
да «Постда»дан экан-
лигини кўрсатиш ша-
рт.

● Мақолада келти-
рилган рақамлар, фа-
ктлар ва бошқа
маълумотлар, шунин-
гдек, очиқ эълон қи-
линиши мумкин бўл-
маган маълумотлар
учун муаллиф жавоб-
гар ҳисобланади.

● Муаллифнинг
мулоҳазаси таҳририят
фикрига мос тушмас-
лиги мумкин.

● Қўлёзмалар тах-
лил қилинмайди ва
қайтарилмайди.

**Газета IBM ко-
мпьютериде те-
рилди ва саҳифа-
ланди.**

Рўйхатдан ўтиш
тартиби №00007.
Буюртма Г — 0256
Ҳажми — 4 босма табоқ,
Босилиш — офсет усулида.

**Боснига
топшириш
вақти — 19.00.**
**Боснига
топшириш — 18.00.**

Обуна рақами — 180.

93742
нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

1,2,3,4,5,6.